



А Ж Р И М

(келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида)

Фарғона шаҳри 2023 йил 6 апрель 4-1501-2302/2214-сонли иш

Фарғона туманлараро иқтисодий судининг судьяси Д.С. Акрамова раислигида, судья ёрдамчиси Б. Охуновнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар вакили Ж.Р. Иброхимов (2023 йил 23 март кунги 01-12/821-сонли ишончномага асосан), жавобгар вакили Р.М. Каххаров (2023 йил 30 арт кунги 01/341-сонли ишончномага асосан) Номининг жавобгар номидан 490 480 700 сўм маблағ ва 98 096 140 сўм жарима ундириш тўғрисидаги даъво аризаси асосан қўзғатилган иқтисодий ишни суд биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар Номи судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, жавобгар номидан 490 480 700 сўм маблағ ва 98 096 140 сўм жарима ундиришни сўраган.

Тарафлар вакиллари келишув битими тузилганини билдиришди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 131-моддасига асосан тарафлар низони келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиб ҳал этиши мумкин. Келишув битими ёки медиатив келишув даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин. Келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чикқунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин. Келишув битими у суд томонидан тасдиқланганидан кейин тузилган ҳисобланади.

ИПК 133-моддасининг ўнинчи ва ўн биринчи қисмларига кўра, келишув битимини тузган шахслар уни ушбу битимда назарда тутилган тартибда ва муддатларда ихтиёрий равишда бажаради. Суд томонидан тасдиқланган, келишув битимида назарда тутилган муддатларда ихтиёрий ижро этилмаган келишув битими уни тузган шахснинг илтимосномаси бўйича суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида, битимнинг ушбу Кодекс V-бўлими қоидаларига биноан, суд харажатларини ундиришга тааллуқли қисми эса суднинг ташаббуси билан мажбурий ижро этилиши лозим.

Суд тарафлар ўртасида тузилган келишув битими ваколатли шахслар томонидан имзолангани, келишув битими қонун ҳужжатларга зид эмаслигини, унинг шартлари учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор эмаслигини, шунингдек келишув битими шартлар асосида тузилмаганини инобатга олиб, келишув битимини тасдиқлаш мумкин, деб ҳисоблайди.

Келишув битими шarti ва ИПК 118-моддаси талабларидан келиб чиқиб суд даъвогар фойдасига жавобгардан асосий қарз суммасини ташкил этган 171 500 000



сўмни икки фоизи миқдордаги номи қўшма корхонаси 490 480 700 сўм маблағи ва 98 096 140 сўм жарима икки фоизи миқдорида 11 771 536,6 сўм миқдорида давлат божи ва 30 000 сўм почта харажати даъвогар фойдасига ундиришни лозим бўлади.

Юқоридагиларга асосан, суд ИПК 131, 133, 195, 334-моддаларини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Даъвогар Номи ва жавобгар жавобгар номи ўртасида 2032 йил 5 апрель куни тузилган келишув битими тасдиқлансин.

Келишув битимига асосан:

Жавобгар

№	Тўлов муддати	Сумма
1	2023 йил 30 апрель куни	81 746 783
2	2023 йил 30 май куни	81 746 783
3	2023 йил 30 июнь куни	81 746 783
4	2023 йил 30 июль куни	81 746 783
5	2023 йил 30 август куни	81 746 783
6	2023 йил 30 сентябрь куни	81 746 783
	Жами	490 480 700

Келишув битимидаги шартлари бўйича номи томонидан тўлов амалга оширилмаганида даъвогар қарздорлик суммасини ундириш учун ижро хужжати олиш учун судга муурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Жавобгардан даъвогар Номи фойдасига 30 000 сўм почта харажати ва республика бюджетига 11 771 536,8 сўм давлат божи ундирилсин.

Келишув шартларини лозим даражада бажарилмаганлиги учун тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Иш бўйича иш юритиш тугатилсин.

Суд ажрими дарҳол ижрога қаратилсин.

Мазкур ажрим устидан бир ой муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилояти судининг иқтисодий ишлар бўйича апелляция судлов ҳайъатига шикоят қилиниши (прокурор протест келтириши) мумкин.

Раислик этувчи

Д.С. Акрамова

